# ЭГРИ ТЎҚМОҚ БОШ ЁРАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масъулиятли текшириш билан Андижонда бўлиб хусусийлаштириш соҳасида аҳвол У. Ғозиев қаламга олгандан ҳам кўра баттар эканлигини ҳис қилдик. Эскича фикрлашдан воз кеча олмаслик, ҳаётимизда юз бераётган буюк ўзгаришларни ҳис этмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини тушуниб етмаслик каби иллатлар баъзи раҳбарларни ўз комига тортган. Билмадик, улар бу дунёқарашлари билан ҳозирги тараққиёт суръатларига қанчалик жавоб берадилар?!

Яна шартномага қайтайлик. Иккита жимжимадор муҳр қўйилган, уч томоннинг вакили сифатида учта имзо чекилган қоғозни диққат билан ўқиб чиқиб, халқдаги бир иборани эсладик: «Шошиб қолган ўрдак думи билан шўнғир экан». Бу шартноманинг тўй ўтиб ёки поезд кетиб бўлгандан сўнг имзолангани шундоқ билиниб турибди. Харидор мулк учун пулларни 1996 йил ноябрь ойида «Тадбиркорбанк»нинг Куйганёр бўлими орқали тўлаб бўлганини қайд этган эди. Ушбу шартнома эса тўловларни 20 хонали ҳисоб рақамлари орқали бир ой муддатда амалга оширишни юклайди (Мана бу ҳолатни эсда тутиш лозим: шартномага имзо ва муҳр қўювчилар уни тап тортмай 1996 йил 5 апрелда тузилди, деб қайд этганлар). Ҳолбуки, 20 хонали ҳисоб рақамлари Андижон вилояти тижорат банкларида 1997 йил 2 февралдан жорий этилди. Наҳотки, «шартнома ижодкорлари» шундай бўлишини бир йил олдин кўра олган бўлсалар? Қолаверса, масъул лавозимдаги М. Дадабоев, М. Юсупов «шартнома 1998 йил 5 январда имзоланганлиги маълум бўлди», деб эътироф этиб туришибди. Қалбаки шартнома тайёрлаб унга имзо чеккан «Андижон» жамоа хўжалиги раиси А. Сатторов, Кўчмас мулк биржаси вилоят филиали директори ўринбосари Маҳамадқосим Хўжамбердиев, мулк эгаси Улуғбек Ғозиев ўрнига имзо чеккан Умиджон Ғозиев наҳотки оқибатини ўйлаб кўришмади? Бу сувдан қуруқ чиқиш талвасасими ёки оддий иш услуби?

Таҳлиллар кўрсатаяптики, хусусийлаштиришда иштирок этган уч томон — сотувчи, олувчи, биржа мазкур жараёнда ўз ҳуқуқ ва бурчлари доирасида аниқ ҳаракат қилмаганлар. Бунга, аввало, масъулиятсизлик, иккинчидан, ҳуқуқий меъёрларни билмаслик ҳалақит берган. Аслида, сотувчи сифатида «Андижон» жамоа хўжалиги «Ким ошди» савдосида ҳалол қатнашганда, мулкка доир ҳужжатларни бекаму кўст тайёрлаганда иллат газак олиб кетмас эди. Харидор ҳам зиммасидаги мажбуриятни ўз вақтида адо этмаган (чойхона ижара ҳақи учун хўжалик ҳисоб рақамига 15 минг 700 сўм миқдоридаги тўловни 1997 йил 29 декабрда амалга оширади), бу ҳақда томонларни хабардор қилиб, шартнома муддатларини узайтирмаган. Қолаверса, мулкдорнинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган, унга зарур юридик ёрдам кўрсатадиган кўплаб идоралар ташкил этилганлигини ҳамон кўпчилик билмайди. Биржа филиалининг ташвиши кўп, масъулият юқори, шундай шароитда бир мулкдор билан шунчалик можарога бориш шартми? Қатъиятсизлик, мижоз билан ҳамкорликда ишлашни билмаслик туфайли шундай ғалва юзага келди. Ҳолбуки, биржанинг кескин чоралар кўриши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Ҳа, эндиликда қонун доирасида яшаш лозим, ундан чекиниш эса барибир панд беради. Мамлакатимизда қарор топаётган ҳуқуқий-демократик ўзгаришларнинг моҳияти ана шундай.

Аҳволни ўрганиш жараёнида масъул раҳбарларнинг ишчан бўлиб қолганлари, фидойиликка интилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Бўлиб ўтган гап-сўзлар шунчаки англашилмовчилик эмиш-у, аслида улар тажрибали, ишчан ходимлар экан. Худди шундай «ишчан»лик билан тезда ордер ҳам тайёрлашди ва мулк эгаси — Улуғбек Ғозиев номига ёзилган ҳужжатни кимлигини, қанақа қариндошлигини суриштириб ўтирмай, Умиджон Ғозиевга топшириб ҳам юборишибди. Мана сизга масъулият!

Албатта, сансоларликда ўтган икки йилга яқин вақт янги мулкдорларга қанчалик маънавий зарар етказганини ҳисоблаб чиқиб бўлмайди, бироқ аҳоли гавжум, катта йўл ёқасида жойлашган чойхонада аҳвол не кечди экан?

— Ишни юритиб турдик,— деди Умиджон Ғозиев,— ҳар куни 4-5 минг сўмлик атрофида одамларга хизмат кўрсатаяпмиз.

— Чойхонанинг ҳужжати йўқ, солиқ идоралари эътироз билдиришмаяптими?

— Тўғри, улар бир неча марта эслатишди, аҳволни тушунтирдик...

Хуллас, чойхона билан боғлиқ гаплар кўплаб мутасадди идоралар кўз олдида давом этаверган, аммо саргардонликка чек қўядиган, ҳиммат қилиб мулк эгаси бўламан деган азаматга ёрдам қўлини чўзадиган валломат топилмаган. Аслида, бу ғалвага масъул ташкилотларнинг ўзи ваколатидан келиб чиқиб нуқта қўйиши мумкин эди: сотувчи ва харидор ўз мажбуриятларини 10 кун ичида бажармаса, шартнома тузилмайди, «Ким ошди» савдоси қарори бекор қилинади. Кўрсатилган маблағ белгиланган тартибда бир ой ичида тўланмаса ҳам шундай йўл тутилади. Бу ҳақда услубий қўлланмаларда аниқ белгилаб қўйилган. Раҳбарлар мазкур талабларни жуда яхши билганлар, фақат ўз вазифасига масъулиятсизлик қатъий чоралар кўришга монелик қилган.

Маълумки, хусусийлаштириш тадбирлари истиқлол туфайли бошланган янги воқелик. Айнан шу йўл билан жамиятда янги мулкчилик юзага келади ва бу ҳол эртанги куннинг қиёфасини белгилаб беради. Қолаверса, хусусийлаштириш туфайли марказлашган, тоталитар бошқариш тизимидан халос бўлинади. Ана шу эътирофларданоқ вазифанинг масъуллиги кўриниб турибди. Бу йўл мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртбошимиз томонидан эълон қилинди ва ҳозиргача изчил қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Хусусийлаштиришни муваффақиятли амалга ошириш учун янги ҳукумат тизими, кўплаб идоралар, институтлар юзага келди. Ишга давлат миқёсида жиддий аҳамият берилаётган бир шароитда бу борадаги ҳар қандай камчилик ва нуқсонлар муросасиз бўлишни тақозо этади. Тўғри, Андижондаги биз қаламга олган нохуш ҳолат вилоятда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларга соя ташлай олмаслиги мумкин, аммо хусусийлаштириш билан боғлиқ масъулиятсизлик шу соҳа учун тасодифий ҳодиса ҳам эмас. Биз вазият тақозосидан келиб чиқиб, тадбир билан боғлиқ энг оддий босқич — хусусий мулкни қайд этиш жараёни билан танишиб, шунча тўрачиликка дуч келдик. Масаланинг ички томони — мулкларни нархлаш, харидорлар жалб этиш, савдони ошкора, ҳалол ўтказиш сингари талабларнинг бажарилиши билан танишиш янги-янги жумбоқларни юзага чиқариши мумкин экан-да. Сир эмас, хусусийлаштириш жараёнида таниш-билишчилик, таъмагирлик, талон-тарож, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш сингари иллатлар тамом бартараф этилгани йўқ. Бу эса хусусийлаштиришнинг обрўсига, мулкдорларнинг ишончига путур етказмоқда. Масалан, худди шу Пахтаобод туманидаги Кўқонқишлоқда жойлашган «Мураббий» чойхонасини 1995 йил 20 апрель қарори билан туман умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамияти Расулжон Раимовга сотади. Кўчмас мулк биржаси филиали эса шу объектни 1996 йил 30 майда Шокиржон Мамажоновга қайта пуллайди. Ўртада икки томон ҳам сарсон («Халқ сўзи», 1998 йил, 15 январь). Ёки Андижон шаҳридаги «Қуёш-94» хусусий кичик корхонаси билан боғлиқ можаролар 3-4 йил давомида республика телевидениеси, «Ҳуррият», «Адолат» газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида кетма-кет тилга олинди, бироқ масала ечилгани йўқ.

Йўлдаги бундай ғовлардан эртароқ халос бўлишнинг энг синалган йўли — хусусийлаштириш жараёнига ошкоралик руҳини киритишдир. Бу юмушни бажаришда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Биз худди шу нуқтаи назардан вилоят газеталари, телерадиокомпаниясининг иши билан танишдик. Афсуски, бу борада кўзга кўринадиган иш қилинмаган. Янги мулкдорларнинг маънавий дунёси, ташвишлари, муаммолари, янги ғоялари ҳақида мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар талаб даражасида эмас. Ёки хусусийлаштириш жараёни — «Ким ошди» савдосининг ташкил этилиши, унинг иштирокчилари, сотилган мулкнинг «тақдири» ҳақида қайноқ, ўткир масалаларни ўртага қўйган чиқишлар йўқ ҳисоби. Қаранг, жамиятни тебратаётган, эртанги кунни ўз қўлига оладиган янги тоифа — чинакам мулкдорлар пайдо бўлаяпти, яшаяпти, ижтимоий ҳаётда иштирок этаяпти, лекин биз уларнинг ҳақиқий қиёфасини яхши билмаймиз.

Ошкораликнинг иккинчи қирраси эса савдога қўйилган нуқталарни кенг ташвиқ қилишдир. Биржанинг вилоят филиали бу мақсадда ўтган йил 860 минг сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланганини маълум қилади. Биржа орқали ҳозиргача 3935 объект сотилибди, аммо вилоят газетаси тахламларини варақлаганда рекламалар мазмунли, изчил ташкил этилмаганлиги кўзга ташланади. Кейинги бир йил давомида хусусийлаштириш идоралари ходимлари матбуотда умуман чиқиш қилмаганлар. Буларнинг ҳаммаси вилоятда бу борадаги ишларни ташкил қилиш давр талабидан орқада қолиб кетганини кўрсатиб турибди. Шунингдек, мулк билан боғлиқ масалалар юзасидан кейинги бир йилда фуқаролар вилоят прокуратураси, хўжалик судига ва бошқа юридик хизмат идораларига мурожаат қилмаганлиги маълум бўлди.

Биз гувоҳ бўлган воқеаларга ўхшаш сансалорлик бошқа жойларда ҳам учрамаслигига кафолат йўқ. Модомики, нега шундай бўлаяпти, деган савол қўйиладиган бўлса, бу баъзи мутасадди раҳбарларнинг ҳамон эскича фикрлаш гирдобида қолиб кетаётганлиги билан изоҳланади. Ҳуқуқий давлат сари борар эканмиз, юқоридаги ажабтовур ҳангомалар бошқалар учун ҳам сабоқ бўлиши, бунда халқ ишонч билдирган раҳбарлар ўз ўрнини олдинда, деб билишлари керак.

**Ҳаким САТТОРОВ,**
**Акмалжон ИСАБОЕВ.**

## 14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТУҒИЛГАН КУН




Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабий меросини, унинг қариндош-уруғлари ҳаёти ва фаолиятини янада чуқурроқ ўрганишда улуғ бобокалонимиз номи билан аталувчи халқаро жамғарманинг хизмати катта бўлмоқда. Биз жамғарма раиси Зокиржон МАШРАБОВдан ижодий сафарлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик:

— Халқаро экспедициямиз беш йил мобайнида етти маротаба хорижий сафарда бўлди, — дейди у. — Экспедиция аъзолари Ҳинд океанидан то Қизил денгизга қадар чўзилган ўн тўрт мамлакат ҳудуди бўйлаб 170 минг километр масофани босиб ўтди.

Ҳиндистонда бўлган вақтимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодларининг шу кунги вакилларини излаб топишга муваффақ бўлдик. Уларнинг айримлари Ўзбекистонга келдилар, улуғ боболари туғилиб ўсган юрт билан танишдилар. Шулардан бири Тусийлар оиласидир. Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан шу оила вакили Аброр ибн Умар Тошкент Техника университетида таҳсил олмоқда. У олий ўқув юртини битиргунга қадар Бобур номидаги жамғарма стипендиясидан баҳраманд бўлади.

Экспедициямиз аъзолари яқинда Бобур таваллудининг 515 йиллигига бағишланган навбатдаги сафардан қайтди. Туркманистон, Эрон, Покистон давлатлари ҳудудидан ўтиб, буюк аждодларимиз Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Абу Райҳон Беруний, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машрабнинг қабр ва мақбараларини зиёрат қилдик. Уларни фотосуратга ва видео тасвирларга туширдик. Бобораҳим Машрабнинг ўша вақтда чоп этилган ва Афғонистонда қолиб кетган "Девон"ини, Ҳусайн Бойқаронинг "Девон"ини сотиб олдик.

Кандаҳорда Бобур даврида экилган анор дарахтлари ҳозир ҳам қад ростлаб турибди. Бобур Мирзо ўзи яратган ва меҳр қўйган боғда етилган дунёга машҳур Кандаҳор аноридан экспедиция аъзолари ҳам татиб кўрди.

Ғазна шаҳрида Бобурнинг укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзоларнинг қабрларини топиб, зиёрат қилдик. Улар шаҳардаги эски қабристонга дафн этилган экан.

Олдинги сафарларимизнинг бирида қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг қабрини аниқлаган эдик. Яқинда унинг қабри тупроғидан келтирилиб, ул зот таваллуд топган ҳозирги Беруний шаҳридаги рамзий қабрига қўйилди. Ҳиротда Алишер Навоий қабр-мақбарасини тиклаш бўйича шартнома туздик. Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг қабри ҳам топилди. Ҳозир ўзбекистонлик меъморлар унинг бўлажак мақбараси лойиҳасини яратишга киришдилар. Беҳзод юбилейига қадар мақбара тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилади.

Туркияда улуғ мунажжим Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг қабрини топишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистонлик олимлар фалакиётшунослик илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бу юртдошимизнинг қабри Улуғбек расадхонаси ёнида бўлса эди, дея умид билдирдилар.

Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратлари абадий қўним топган жойни қидириб, Миср Араб Республикасига бордик. Мақсадимизни эшитиб, Миср илмий маркази, Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ходимлари, Қоҳира университети олимлари ва мутахассислар бу борада ўз ёрдамларини аямади. Натижада бобокалонимиз қабри топилди. Бу ҳақда мисрлик олимлар билан ҳужжат имзоланди. Аҳмад ал-Фарғоний дафн этилган жой тупроғидан юртимизга келтирдик. Бу тупроқ юбилей кунлари буюк олим туғилган Фарғона вилояти Қува шаҳрида барпо этиладиган алломанинг рамзий қабрига қўйилади. Мисрда бизни Фарғоний яратган ва Нил дарёси суви ҳажмини ўлчаш учун қурилган ускуна билан ҳам таништирдилар.

Экспедициялар чоғида қўлга киритилган барча ёзма маълумот ва манбаалар, қўлёзма ва китобларни Андижондаги Бобур номи билан аталувчи боғнинг "Жаҳон маданияти ва Бобур" музейига жамлаяпмиз.

Жамғармамиз Бобур номидаги мукофотни таъсис этган эди. Бобур Мирзонинг 515 йиллиги нишонланаётган айни кунларда унинг дастлабки соҳиблари аниқланди. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова, ёзувчилар Пиримқул Қодиров, Ҳайриддин Султон, кўп қисмли "Бобур" видеофильми режиссёри Мақсуд Юнусов ва шу фильмда бош ролни ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов бор. Биз мукофот соҳибларининг бундан буёнги хайрли ишларида омад тилаймиз.

**ЎзА мухбири Б. МАНСУРОВ ёзиб олди.**

## ГАВАЙИ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН БИТИМ

Тошкент давлат техника университети билан АҚШнинг Гавайи Тинч океани университети ўртасида битим имзоланганлиги таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда яна бир қадам бўлди. Битимга кўра, бизнесни бошқариш, ишбилармонлик, информатика соҳасида юқори малакали магистрлар, бакалаврлар тайёрланади, ўзаро ўқитувчи ва админстраторлар алмашинилади.

Гавайи Тинч океани университети хорижий талабаларни ўқитиш бўйича АҚШда биринчи ўринни эгаллайди. Бу ерда АҚШнинг 50 штатидан ва жаҳоннинг 85 мамлакатидан талабалар таҳсил олишади.

— Гавайи Тинч океани университетида таълим олаётган талабалар аудиторияларда жаҳоннинг кўплаб давлатлари вакиллари билан халқаро алоқалар ўрнатиш имкониятига эгадирлар, — дейди ГТУнинг Марказий Осиё бўйича вакили, доцент Рўзмат Ашурбеков, — ГТУ замонавий компьютер техникаси ва дастурлари билан мукаммал жиҳозланган, роботехника синфлари мавжуд, барча аудиториялар аудио-видео техникаси билан таъминланган. Барча фанлар бўйича бепул репетиторлик йўлга қўйилган. Ҳар бир талабани бутун ўқиш даврида ўзлаштиришини кузатиб бориш учун профессор-раҳбар бириктирилган. 80 фоиздан ортиқ профессорлар докторлик даражасига эгадирлар. Ўқиш даври турли корхоналарда хақ тўланадиган амалий машғулотлар билан узвий боғланган. ГТУ қошида 65 дан ортиқ халқаро талабалар клублари мавжуд.

Гавайидаги хорижий профессорлар ва хорижий давлат вакиллари билан ҳамкорлик Ўзбекистон талабалари учун ҳар тарафлама аҳамиятлидир. Ҳеч шубҳа йўкки, бу ерда таълим олиш насиб этган талабаларимиз Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлишига, унинг иқтисодининг юксалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**Дилшод ЭШМУРОДОВ.**



*Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш республика бизнес фонди Фарғона вилоят бошқармаси фаолиятидан тадбиркорлар хурсанд бўлишяпти. Чунончи Фарғона шаҳридаги Мукаррамхон Юсупова бошлиқ бўлган «Моҳигул» фирмаси бизнес фонд ёрдами билан ташкил топган.*

*Ҳозирги кунда фирмада 45 нафар тикувчи меҳнат қилмоқда. Корхонада таёрланаётган турли хил кийим- кечаклар харидорларнинг эътиборини қозонмоқда.*

***СУРАТДА: фирманинг илғор чевари Шарофатхон Мамажонова.***

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### МУЛОҲАЗА

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ТААССУБ

**Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётнинг дастуруламали бўлиб келган. Шу боис, бугун биз қураётган янги жамиятда Ислом дини алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлмоқда. Бинобарин жамият билан Ислом дини манфаатлари ўртасидаги муштаракликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифалари сирасига киради. Кўриниб турганидек, жамият билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан, фуқаролик жамиятининг дин ва унинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни ва аҳамиятига тўғри ёндашуви, ундан эзгу мақсадлар йўлида кенг фойдаланишни мақсад қилиб қўйиши ғоят муҳимдир.**

Дин жамият ривожига асрлар давомида таъсир этиб келаётган омиллардан бўлган. Шундай экан, ушбу таъсирчан тарғибот воситасидан кенг фойдаланиш истиқлол мафкураси ва ахлоқини шакллантиришга, жамият аъзоларини замонамиз талаб қилаётган юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга ҳам яқиндан ёрдам беради. Лекин шу билан бирга, мамлакатимизда диндан баъзи доираларнинг ғаразли мақсадларга етишиш воситаси сифатида, ҳатто мутаассиблик, яъни фанатизм йўлида ҳам фойдаланаётгани сир эмас. Шу боис, Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган китобида диний вазиятни чуқур ҳис этган ҳолда, «эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига қаратишга эришиш» зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, омманинг чинакам исломга зид бўлган, зўравонликка даъват этувчи ғояларнинг моҳиятини атрофлича англаб етишувига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур китобда исломшунослигимиз олдида турган энг долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилади. Булардан бири диний таассуб ва экстремизмнинг олдини олиш, унга қарши курашиш воситалари билан боғлиқ масаладир.

Мазкур асарда таъкидланганидек, таассуб, яъни фанатизмнинг юзага келишига кўпроқ жамиятдаги **«сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади».** Дарҳақиқат, **«диний тизимларнинг ўзи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали дастурларини таклиф қилишдан олис»** бўлганлиги учун таассубчилар бу муаммоларнинг осонгина ечими сифатида динлар вужудга келган замонлардаги жамиятда мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитларга қайтишни маъқул кўрадилар. Лекин улар дастлабки шароитлар давридан кейинги асрлар довонидан яна ортга қайтиш умуман мумкин эмаслигини эътиборга олмайдилар.

Диний таассуб ғоясини илгари сураётган диний-сиёсий оқимларнинг ички механизмини тушуниб етишда фанатизм асосида биринчи галда республика аҳолиси ўртасидаги диний таълим савиясининг пастлиги, бинобарин диний жаҳолат ётишини назарда тутмоғимиз зарур. Хўш, бундай вазият қандай қилиб вужудга келди?

Совет тузуми замонида динлар, хусусан ислом динининг мазмун ва фалсафий моҳиятини чуқур тушунтириб берувчи бошланғич ёки ибтидоий диний таълим йўлга қўйилиши мумкин эмас эди. Олий ўқув юртларида эса фақаттина «Илмий атеизм асослари» ўқитилиб, оқибатда халқ диний билимлар олишдан, диний маърифатдан маҳрум бўлди. Бугунги кунда ҳодисаларнинг ривожи шунга олиб келдики, дунёвий илмларда олий илмий даражаларга эга бўлган аксарият дунёвий олимлар ҳам диний-исломий билимлар нуқтаи назаридан саводсиз бўлиб қолдилар. Чунки сиёсат шундай эди, шунга интилдик, натижа ҳам мақсадга мувофиқ бўлди.

Масаланинг аянчли тарафи шундаки, илгариги атеизм курси, бирданига диншунослик фанига айланди. Дарсликлар эса асосан ўша атеизм курси дастуридан нарига ўтгани йўқ. Назаримизда, биз диний-маърифий ишларни илмий асосга қўяр эканмиз, мактаб учун, ўрта махсус ўқув юртлари учун алоҳида бўлган «Диншунослик асослари» дарслигини қайта ишлаб чиқишимиз зарур. Мазкур дарсликларнинг айниқса «Ислом» бўлимига жиддий этибор бериш, унинг асосий масалаларини ўша ёшдагилар қабул қилиши мумкин бўлган тил ва услубда ёритишимиз лозим бўлади.

Олий ўқув юртларига келсак, уларнинг барчасида йўналиши, ихтисослигидан қатъий назар, Ислом махсус курсини жорий қилиш керак. Токи, бўлажак мутахассисларимиз ҳам дин ҳақида етук маълумотга эга бўлсин. Акс ҳолда, диний илмларга пухта эга бўлмаган одамлар қайси асрда яшашидан қатъий назар, фанатизм ботқоғига тушиб қолишлари ҳеч гап эмас. Зеро, таассубликни илгари сураётганларнинг мақсадлари аниқ — улар «жоҳил» халқ оммасини, айниқса, ёшларни ўз ниятларига эришиш қуролига айлантиришга ҳаракат қиладилар. Бунинг асосий йўли, яъни таассуб билан курашиш чораларидан бири диний билимларни оммага етказишни илмий асосда ташкил қилишга ҳам боғлиқдир.

Мустабид тузум замонида атеизм ғояси остида олиб борилган кураш натижасида Ислом динининг билимдон олимлари тазйиқ остига олиндилар. Оддий фуқаро у ёқда турсин, ҳаттоки дин арбоблари ҳам кўпгина диний адабиётлардан маҳрум этилдилар. Исломий китоблар мамлакатимизга кириши ман этилган адабиётлар рўйхатидан жой олди. Диний маърифат таъқиқлаб қўйилган ана шундай оғир шароитда етук мураббийлар камайиб, Исломни илмий асосда ёритиш муаммолари назардан четда қолди. Натижада, ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай «чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар. Бинобарин, халқ орасида диний жаҳолатпарастликка қарши кураш олиб бориш, маърифий ишларни илмий асосга қўйиш бугунги кундаги исломшунослик олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги диний аҳволни аниқ ва чуқур тасаввур қилиш учун республика миқёсида дин арбоблари билан доимий равишда учрашиб, илмий-маърифий, илмий-назарий семинарлар ташкил этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Мазкур анжуманларда ҳар бир соҳа ва илмий йўналишларнинг кўзга кўринган вакиллари иштирок этиб, маъруза қилсалар янада аъло бўлур эди. Дин арбоблари ҳам омма олдида маъруза қилиш билан бир қаторда илм-фан оламида бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб турсалар кони фойдадир. Ана шунда ҳар бир вилоят ва туманлардаги диний муаммолар нималардан иборат эканлигини англаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини излаш ҳамда ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиб ишлаш учун катта имконият вужудга келади. Лекин очиқ тан олиш керакки, бугун ана шундай ҳамнафаслик сезилмаяпти. Оддий мисол: мусулмон давлатларида масжидларда ўқиладиган хутбалар матни бир ой олдин ҳафтама-ҳафта аниқланиб, масжид имомларига бевосита юборилади ёки Олий идоранинг марказий органи бўлмиш газета ёки журналда босиб чиқарилади. Ҳар бир имом ана шу юқори илмий кенгаш тарафидан тайёрланиб, тасдиқланган хутба матни асосида маъруза қилади. Бу билан мусулмончиликнинг энг асосий шарти — «тавҳид»га путур етмайди, «тафриқа» (бир масаланинг турли талқини)га йўл қўйилмайди, маъруза эшитган одамда тугал фикр ҳосил бўлади. Бизда эса, минг афсуски, бундай эмас. Ҳар бир имом ўзи лозим топганини гапиради. Натижа эса имомнинг билимлари савиясидан нарига ўтмайди. Демак, таассуб ва диний жаҳолат билан курашиш чора-тадбирларидан яна бири халқ орасида дин арбоблари — имомларимиз тарафидан олиб бориладиган маърузалар учун матнлар ишлаб чиқишдир. Жума хутбаларини мунтазам равишда тайёрлаб бориш билан бир қаторда диний-илмий маърузалар тўпламини нашрга тайёрлаб, чоп этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда Халқаро Ислом тадқиқот марказида Қуръон асосида 400 дан зиёд мавзулар бўйича намунавий маърузалар тайёрлаш режалаштирилган. Улар асосида тайёрланган тўплам кенг омма қўлида бўлса, дин арбоблари ҳам аввал ўйлаб, кейин гапиришга ўрганадилар. Бир масала турли жойларда турлича ёритилмайди. Бу маърузалар тўпламини фақатгина дин аҳли эмас, балки кенг жамоатчилик ҳам катта қизиқиш билан кутиб олади, деган умиддамиз.

Шу ўринда масжидларимиз фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтмоқ жоиздир. Айни пайтда масжидларимиз билан боғлиқ диний-маърифий, диний-ахлоқий ва тарбиявий ишлар анча сусайиб кетган. Асосан жума кунги хутба билан чегараланиб қолиняпти. Хутбаларнинг мавзулари эса, юқорида айтилганидек, тор масалалардан нарига ўтмаяпти. Бу гаплар республиканинг аксарият масжидларига тегишли, лекин замон талаби даражасида иш олиб борадиган, ўз ишининг ҳақиқий мутахассиси бўлмиш таниқли имомларимиз раҳбарлик қилаётган масжидлар бундан мустасно, албатта.

Масжидлар азалдан маърифат ўчоғи бўлиб келган. Уларнинг кутубхоналарида минглаб илмий китоблар сақланган. Одамлар диний маърифат соҳасида тушунмаганларини масжид аҳлидан сўраб билишган. Лекин бундай гўзал тарихий анъаналар кўпгина сабабларга кўра тарих қатларида қолиб кетди. Чунки бугун ана шундай ишлари билан мақтана оладиган масжидлар бармоқ билан санарлидир.

Диний маърифат ишларига илмий асосда ёндошиш зарур. Чунки бу соҳа фаолиятини пухта, мантиқий изчилликда ва узоқ йилларга мўлжалланган стратегик асосда режалаштирмас эканмиз, на таассубга қарши ва на унинг бошқа кўринишлари билан кураша оламиз. Жаҳолат қайси соҳада бўлмасин, ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Агар биз илгарироқ ҳодисаларнинг кўриниши эмас, илдизи билан, нохуш воқеаларни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаблари билан курашни йўлга қўйганимизда, эҳтимол бугунги кунда баъзи вилоятларда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг олдини олган бўлармидик?!

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари сингари бутун мусулмон дунёсининг ажралмас қисмини ташкил этади. Бу мураккаб ислом дунёсида очиқдан-очиқ ва ғайри расмий фаолият олиб бораётган турли диний-сиёсий йўналишлар кам эмас. Бундай вазиятда динлараро муносабатлар ҳам бугунги кун исломшунослигининг долзарб масалаларидан бирига айланади. Бизда диний эътиқод ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаро ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олинади. Диний қарашларга амал қилувчи ёки аксинча амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик ўз навбатида катта аҳамият касб этади. Ва ниҳоят диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга асло йўл қўйиб бўлмаслиги бугунги кунда аниқ ва равшандир.

Исломшунослик олдида турган муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири Халқаро Ислом тадқиқот маркази билан жаҳондаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдир. Марказ илмий фаолиятини асосан икки муҳим йўналиш асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, халқимизнинг бой тарихий, маданий, диний меросини ўрганиш, Исломнинг асрлар давомида жамият ривожига қўшган ҳиссаси, маънавий, моддий маданиятимиз тараққиётидаги ролини очиб бериш, иккинчидан, жаҳон исломшунослиги эришган илмий ютуқ ва тажрибалардан фойдаланиш, яъни бизнинг маънавий эҳтиёж, талаб, истак ва қадриятларимизни янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда исломий фанларимиз ривожига ёрдам берадиган йирик ва қимматли тадқиқотларни мунтазам танлаб, таржима қилиб, халқимиз ва олимларимизга етказиб туриш лозим.

Шунингдек, Халқаро Ислом тадқиқот маркази қошида республикадаги етакчи исломшунос олимлардан иборат таркибда ва шу соҳадаги барча илмий ишларни мувофиқлаштирувчи махсус илмий кенгаш тузиш замон талабидир. Кенгашда исломшуносликка оид номзодлик ва докторлик диссертацияларининг мавзулари ҳам тасдиқланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки айни пайтда бу йўналишни бирлаштирувчи ягона марказ мавжуд бўлмагани учун тасдиқланаётган мавзуларнинг долзарблиги ҳамда сифатини назорат қилишнинг иложи бўлмаяпти.

Яна бир ҳолат: давлатимизга иқтисодий зарар етказган одамлар учун турли жазолар белгиланган. Лекин махсус билимларга эга бўлмаса-да ўзини саводхон ҳисоблаб одамларнинг онгини заҳарлаётган, Исломда йўқ нарсаларни бор дея, ўз фикрини Ислом номидан тақдим этаётган ва бу билан тузатиб бўлмайдиган зарар келтириб, давлатимиз маънавий-маданий пойдеворига путур етказаётган шахсларга танбеҳ бериш пайти келмадимикан? Бозорларимизда сотилаётган диний мавзудаги аудио кассеталар кимнинг назоратидан ўтаётганлиги номаълум. Унда ёзилган «илмий» маърузалар эса ҳар доим ҳам ижобий таассуротлар пайдо қилмайди. Баъзилари эса ҳатто чексиз нафрат ҳам уйғотаяпти.

Бизнингча, юқорида зикр этилган мулоҳазаларга эътибор қаратиш ва лозим топилса, амал қилиш Ватан олдидаги умумий бурчимиз бўлиши керак. Бугунги кунда республикамиздаги диний муассасаларнинг асосий вазифаси иймон-эътиқодни мустаҳкамлаш билан бир қаторда унинг барча илмий, маънавий-маърифий ва ахлоқий имкониятларини давлатимизнинг осойишталигини сақлащдек муқаддас ишга сафарбар қилиш лозим.

**Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ,**
**Халқаро Ислом тадқиқот марказининг мудири,**
**фалсафа фанлари доктори.**

